



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1999 йил 28 апрель, чоршанба

№ 34 (11.117)

Эркин нарҳда сотилади

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

ВАШИНГТОН. 26 апрель. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади). **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун АҚШга сафар қилаётган, 23 апрель кuni Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

Президент Ислам Каримовнинг АҚШга ташрифи Вашингтонда «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Америка олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувдан бошланди. Учрашув 24 апрель кuni мамлакатимизнинг АҚШ пойтахтидаги элчихонасида бўлиб ўтди.

Шу кuni Ўзбекистон элчихонасида Президент Ислам Каримов Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбар-

лари билан учрашди. Маълумки, маъмур тўрт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотик ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иктисодий ҳамкорлик ташкилотини (ГУАМ) тузишган. Вашингтонда ушбу ташкилот аъзолари сони яна биттага ортди — унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Бу минтақавий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Вашингтондаги мулоқотида томонлар Европа-Кавказ-Осиё

транспорт йўлагини ривожлантириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Бу Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш гоёсини амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир. Вашингтонга сафар чоғида Ислам Каримов АҚШ «Эксімбанки» президенти Ж.Хермон билан учрашди. Мулоқотнинг бош мавзуси Ўзбекистоннинг бу йирик молиявий муассаса билан ҳамкорлиги масаласи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувида ҳам иштирок этди. Маълумки, АҚШ Сенатида Буюк Ипак йўли бўйича қонун қабул қилиниши кутилмоқда. АҚШ сенаторлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари бундай савб-ҳаракатни қўллаб-қувватлаётганини

ҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан далolat беради.

Шу кuni давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон билан ҳам учрашди. Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ташрифнинг 25 апрель кuni дастуридан жой олган яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувдир. Ўзаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу кuni кечкурун давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув ўрин олган. Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида Президент Ислам Каримов дастлаб Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисакани қабул қилади. Президентимиз, шунингдек, АҚШ давлат котибининг Жанурий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси К.Индерфурс билан ҳам учрашди.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро тадбирда иштирок этиши билан бирга, уч кун давомида ўнга яқин учрашувлар ўтказгани ташрифнинг нечоғлиқ қизгин ва самарали кенганидан далolat беради. Бўлиб ўтган учрашувларнинг ахамияти шундаки, улар Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, Ўзбекистон билан турли нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА).

Вилоят ҳаёти

янгилıklar, одамлар, воқеалар

КОМПЬЮТЕРЛАР МУБОРАКИ

КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастури бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси мактаблар моддий базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқда.

Яқинда Бўка, Паркент, Тошкент ва Пскент туманларидаги 8-14-19-42-ўрта мактабларнинг ҳар бири 3 миллион 200 минг сўм турадиган компьютерлар билан жиҳозланди. Айни пайтда вилоятдаги қатор ўқув муассасалари 15 миллион сўмлик қаттиқ ва

юмшоқ меbellар, жиҳозлар билан таъминланди.

Шу йилнинг 1 сентябрда мактабга борадиган болажонларга атаб 43 миллион сўмлик дарслиқлар хозирданок тайёрлаб қўйилди.

Шахло БЕКНАЗАРОВА.

ОЙНА — ҚУРИЛИШЛАРГА

ҲАЗАЛКЕТ ойна заводи жамoаси ишлаб чиқараётган махсулотга талаб ҳеч вақт камаймаган.

Бирок, қорхона ҳозирча ҳамма талабларни қондиришга қодир эмас. Чунки, ишлаб чиқариш қуввати бунга йўл қўймайди. Бунинг устига бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлар ҳам бир маромда ишлашга тўсқинлик қилмоқда.

Лекин, қорхона жамoаси махсулот тайёрлашни

қўпайтириш, сифатни ошириш йўлида изланмоқда. Эскирган асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштириляпти. Натijaда, йил бошидан бери бюртмачиларга 100 ми квадрат метрдан ортiқ қимматли бинокорлик ашёси — ойна етказиб берилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ОЛИМА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ПСКЕНТ тумани ҳoқимлигида шоира ва фольклоршун олина, Беруний номидаги республика давлат муқофоти соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими Музаияна Алавия таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кeчаси бўлиб ўтди.

«Севинчларим» шеърлар тўплами, «Одамийлик», «Дил нидоси» китобларида тинчлик ва дўстликни тараннум этиб, ўқувчилар қалбини ром этган шоира ўзбек халқ оғзак ижодини ривожлантиришга ҳам улкан хисса қўшди. Музаияна Алавиянинг тинчлик ва дўстликни тараннум этиб, ўқувчилар қалбини ром этган шоира ўзбек халқ оғзак ижодини ривожлантиришга ҳам улкан хисса қўшди. Музаияна Алавиянинг тинчлик ва дўстликни тараннум этиб, ўқувчилар қалбини ром этган шоира ўзбек халқ оғзак ижодини ривожлантиришга ҳам улкан хисса қўшди.

Музаияна Алавиянинг тинчлик ва дўстликни тараннум этиб, ўқувчилар қалбини ром этган шоира ўзбек халқ оғзак ижодини ривожлантиришга ҳам улкан хисса қўшди. Музаияна Алавиянинг тинчлик ва дўстликни тараннум этиб, ўқувчилар қалбини ром этган шоира ўзбек халқ оғзак ижодини ривожлантиришга ҳам улкан хисса қўшди.

М. ОДИЛОВА, (ЎзА).

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

ҲОЗИРГИ пайтда Қибрайда 20дан ортiқ қўшма қорхона фаолият қўсатмоқда. Яқинда уларнинг сафига яна бири қўшилди.

Дўрмондаги собиқ «Дўстлик» савдо маркази ўрнида охинона меbellари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех ишга туширилди. Дастгоҳлари Туркиядан келтирилиб ўрнатилган бу қорхонада 15 киши меҳнат қилаётир. Қорхона Америка модели асосида яна бир янги махсулот ишлаб чи-

қаришга киришди. Ҳoм ашёси Олмонидан келтирилиб, тайёрланаётган эшиқ, ромлар ўзининг бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлаётир. Қорхона ҳар икки махсулотини фирма дўкони орқали харидорларга тақдим этади. Бюртмалар қабул қилади.

Носир ИСАЕВ.

МАҲАЛЛАДА... ПОЛИКЛИНИКА

АНГРЕН шаҳридаги Богусев маҳалласи ҳадемай ўз поликлиникасига эга бўлади.

«ЎЗБЕККОНКУРИЛИШ» акциядорлик бирлашмаси бунёд этаётган бу шифо масканида, сўнги пардозлаш ишлари олиб бoрилмоқда. Маҳаллада иккита мактаб фаолият қўс-

таётган бўлсада, яна бир 280 ўринли таълим муассасасини қуриш ҳам режалаштирилди. Янги мактаб биносига пойдевор қўйилди. Эндиги уни тиклашга киришилади.

Самад ЙЎЛДОШ.

Вилоят ҳаёти

янгилıklar, одамлар, воқеалар

9 Май — Хотира ва Қадрлаш кuni

МАНГУЛИК ОБИДАСИ

...ТУҚСОН ёшни қоралаб қолган Хотира онам ҳар сафар кўргани борганимда, чўп-устихонга айланган қўлар билан юзларимни силаб, дуога қўл очадилар:

— Илоҳим, юртимиз омон бўлсин, юрт эгасининг умри боқий бўлсин, истиқлолимиз дунё тургунча турсин, омин!

Кейин она-бола ўртасида савол-жавоб бошланади:

— Болам, ойнан жаҳонда Хотира кuni бўлади, деб айтишувди. Юртбошимизнинг ўзлари шу ишга бош бўлиб, Хотира майдонига тамал тоши қўйганлари ростми?

— Рост, онажон, рост! — дейман тўлқинланиб.

— Мани ҳам олиб борасан-а? — онажонимнинг кўзлари ёшланди.

— Албатта, олиб бораман, — дейман жилмайиб.

Онам ўзича неларнидир пичирлаб кўрган қўнарига шўроналар айтади.

Она билан жайрлашаман. Хотира майдонига орб қолганимни ўзим ҳам билмай қоламан.

Юртбошимизнинг 9 майни Хотира

ва Қадрлаш кuni деб эълон қилиш ҳақидаги тақлифлари ҳадемай амалга ошаётганини ўйлаб, ҳаяжонланиб кетаман. Хотира майдонининг энг азиз, энг муқаддас қадамжоларимиздан бирига айланажаклигини юрак-юракдан хис қиламан.

Хотира ва Қадрлаш кунинда нафақат тўрт йил давом этган иккинчи жаҳон уруши, балки, юртимиз мустақиллиги учун курашда шахид кетган зиёлиларимизни, сўнгсиз армон билан ўтган ота-боболаримизни эсга олиб, хотирлайдиган маскан бўлажаклиги тайин гап.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига айни кунларда Тошкент шаҳри ва республикамиздан тақлиф этилган 200дан ортiқ курувчилар, ёғоч ва ўймакорлик усталари, амалий санъат намояндалари бор маҳоратларини ишга солиб, ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қўқон, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Тошкент ва бошқа вилоятлардан келган савобқарлар бор истеъдодларини ишга солишмоқда.

Икки томони 14та айвон ва 42 устундан ташкил топган Хотира мажмуининг ҳар

қаноти узунлиги 60 метрни, баландлиги эса беш метрни ташкил этади. Мажмуа ўртасидаги йўлакча зиёрат қилувчиларни мангу олов пойга: «СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ» деган сўзлар битилган Мотамсаро она обидаси пойига етаклайди.

Хотира лавҳаларининг шакли, умумий меъморий ечими, уларни етарли даражада ёритиш ускуналари билан жиҳозлаш, ранглари халқимиз дидига, руҳига мос равишда танлаш, миллий ўймакорлик аъаналари асосида безак топаётган устун ва айвонлар ҳам кўнглига олам-олам гурур бағишлайди.

Ҳар бир вилоятга бағишланган китоб шаклидаги тахтақаларда юртимизнинг мард ва жасур ўғлонларининг исму-шарифлари битилади. Шу тарихка, иншоолуқ, Хотира майдони мангулик обидаси бўлиб қолажак...

Шавкат ТУРОБ.



Бугуннинг гапи

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Вилоят пахтакорлари ўтган ҳафтада юз берган табиий офатдан саросимага тушмай, бор имкониятларни тўла ишга солиб, гўза ниҳолларини совуқ урган майдонларда қайта чигит экишни тугалламоқдалар

КЕЙИНГИ йилларда хошилдорлик бир қадар пасайиб, режалар сурункасига бажарилмай қолаётганлиги сабабларини атрофлича таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу йил қолқоқлик доғини ювиш қатъий максат қилиб қўйилган эди. Ана шундай яхши ният билан бошланган чигит экиш мавсуми кулай муҳдатларда сифатли тугатилиб, дастлабки чигит униб чиққан майдонларда биринчи ишлов беришга киришилган эди.

Лекин, афсуски, об-ҳаво яна панд берди. Эрта муддатларда барака уруғи қадалган майдонларда чигит текис ва кийғос униб чиқиб, пахтакорлар қалбида кузда барақали хирмон уйилмишига қатъий ишонч уйғонган бир паллада бехосдан ҳаво совиб, қарийиб 50 минг гектар майдондаги гўза ниҳолларини бутунлай совуқ уриб кетди. Шуниси ачинарлики, ҳосили эрта пишиб етилиб, ҳам хирмонга, ҳам даромадга барака киритадиган пленка остидаги ҳамда чигит эрта униб чиққан майдонлардаги гўзалар ёппасига шикаст топди.

Табиий офатдан Қўйичирик ҳамда Қўриқчирик туманлари пахтакорлари, айниқса, катта зарар кўрдилар. Ушбу туманларда 50 фоиздан зиёд майдондаги ниҳоллар бутунлай нобуд бўлди. Оққўрғон туманида 7 минг гектар, Бекобод ва Бўка туманларида 6 минг гектар майдондаги гўзани совуқ урди. Шунингдек, қолган туманларда ҳам минглаб гектар ерга қайта чигит экмаса бўлмайдиган ҳолат юз берди.

Бир умр пахтачиллик билан машғул бўлиб келаётган уст-та деҳқонлар, тажрибали мутахассисларнинг айтишларича, бунгақаси ҳеч бўлмаган эди. Тўғри, айрим майдонларда гўзани сел ва дўл уриб, май, ҳатто, июнь ойла-

рида ҳам қайта чигит экиш ҳоллари рўй берди туради. Аммо апрель ойининг учинчи ўн кунлигидега гўзани ёппасига совуқ уриб кетганини кекса деҳқонлар ҳам эслашолмайдилар.

Бирок шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юз берган табиий офат қўпни кўрган вилоят пахтакорларини саросимага соломлади, шартларини қайтаролмади. Бирорта ҳам деҳқон, мутахассис еки раҳбар умидсизликка урамади. Аксинча, мавжуд икки имкониятлар тўла ишга солиниб, гўзаси нобуд бўлган майдонларга қайта чигит экишга ёппасига киришилди. Оддий меҳнатқандан тортиб, ҳoқимларга эрта тондан кеч қоронғусигача далаларда бўлдилар. Қўнига мингдан зиёд чигит экиш агрегатлари юқори умум билан ишлатилди. Еруғ кунда битта сеялка билан 14 гектардан зиёд майдонга уруғ қадалганлиги ҳам шундан далolat бериб турипти.

Бундан ташқари табиий офат хуружидан омон қолган 56 минг гектар майдондаги вазият ҳам доимий назоратда. Чигит текис униб чиқиб, тўлиқ қаторлар ҳосил бўлган майдонларга биринчи ишлов берилмоқда. Бунинг учун 1500дан ортiқ культиватор сафарбар этилган.

Хулоса қилиб айтганда вилоятда олдидан эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш аъананага айланганлиги бу сафар ҳам қўл келди. Уруғлик чигит захираси етарли бўлганлиги ва у экиш учун тайёр ҳолда сақланганлиги боис парокандалик юз бермади, вақтдан ютқазилмади. Айни дамларда сўнги гектарларга қайта барака уруғи қадалмоқда. Гўзаси нобуд бўлган майдонларга бугундан қолдирмай чигит экиб бўлиниди ва бу билан табиий офат оқибатларига барҳам берилади.

Абдусамд ЙЎЛДОШЕВ.

ЕР ҚАДРИГА ЕТМОҚ КЕРАК

МУСТАҚИЛ фаолият қўсатга бошлаганига энди бир йил ўтган вилоят ер тузиш ва ундан фойдаланиш бошқармасининг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари хўжалиқларга ерга оид қонунларни кенг тушуштириш ва мавжуд экин майдонларидан фойдаланишни назорат қилиш ишларини изчил олиб бoрмоқдалар.

Айни пайтда 15 туман-этиш тадбирлари ҳам бошнинг ҳар бирида тупроқ лаб юборилди. Шу билан унумдорлигини таҳлил бoрилкида мутахассислар

мулк шаклини ўзгартириб ширкат хўжалигига айлантирган жамoалар ерларининг меъёрий баҳосини аниқлашга ҳам кўмаклашмоқдалар.

Ер назорати бўйича бошқарма амалга ошираётган тадбирлар ҳудудимиздаги

296 минг 400 гектар суғориладиган ва 35 минг 300 гектар лалми ерлардан унумли фойдаланиш, бу майдонларда қонунга ҳилоф ҳолатлар содир бўлмаслигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Саид ВАЛИЕВ.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН, Франция ва Германия санъат ўқув юртилари ўртасида маданий алоқа алмашуви яхши аъананага айланиб қолди.

В. Успенский номидаги республика ўрта махсус музыка мактаб-интернатининг республикада хизмат қўсатган уқитувчи Тамара Попович раҳбарлигидаги бир гуруҳ иқтисодий талабалари Расин номидаги Париж лицейи ва Бах номидаги Берлин гимназияси ўқувчилари билан му-

лоқотда бўлиб, тенгқурлари ҳаёти, ўқув жараёни билан танишиб қайтган эдилар. Энди эса Франция ва германиялик ёш санъаткорлар республикамизга ташриф буюрди. Улар ўн беш кунлик сафарини пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишувдан бошлади.

(ЎзА).

ЖАМИЯТ — АЁЛ — ҚОНУН

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ҳуқуқий саводхонлики ошириш—давр талаби мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди

ХАЛҚИМИЗ томонидан шу кунларда қизгин ўрганилаётган Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги Президентимиз маърузасида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини юксалтириш ўта муҳим вазифа эканлиги, бунга «Аёллар йили» муносабати билан қабул қилинган Дастурни изчил амалга ошириш, хотин-қизлар меҳнатини энгилаштириш, турмуш шароитини яхшилаш, илмий-маданий савиясини кўтариш орқали эришиш зарурлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Шу ҳижатдан олганда, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг кейинги йиллар ичида аёллар ўртасида ташкил этилаётган тадбирлар шаклини кенгайтиришга интилаётганлиги, турли мавзуларда семинар-кеңашлар, учрашувлар, давра сўбатлари ўтказилиши изчил йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Мулоқотларда мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда аёлларнинг иштироки, оиладаги, фарзанд тарбиясидаги ўрни, ҳуқуқий билими, савиясини ошириш билан боғлиқ муҳим мавзулар камраб олинмоқда.

Қуни кеча Қўрай туманининг Дўрмон қишлоқ маданият саройида бўлиб ўтган «Ҳуқуқий саводхонлики ошириш — давр талаби» деб аталган илмий-амалий семинар мазмунли ҳам ана шу йўналишга қаратилди.

Унда вилоят шахар ва туманлар ҳокимларининг оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалалари бўйича муовинлари, қишлоқ фуқаролар йиғинла-

ри, маҳалла кўмиталари қошидаги хотин-қизлар кенгашиларнинг раислари, шунингдек Қўрай тумани маҳаллаларининг фаол аёллари иштирок этдилар.

Семинарни вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Ҳужаева бошқарди. Президентимизнинг аёлларга қўрсатаётган ғамхўрликлари кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. «Оила Кодекси»нинг кучга кириши, «Аёллар йили» муносабати билан эълон қилинган «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солик солиш тўғрисидаги қарори» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар-

ГЕНДЕР ва ривожланиш бюроси маслаҳатчиси, тиббиёт фанлари номзоди Лилия Отахонова, вилоят Ички ишлар бошқармаси жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлигининг ўринбосари Мухаммадjon Дехқоновларнинг «Қонунчиликда жамоат иштироки, қонун ўстиворлигига эришиш ва оилавий муаммоларни ҳал этишда «Оила Кодекси» ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти тўғрисида», «Қонунлар — аёллар ҳуқуқи ҳимоясида», «Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни» мавзусидаги маърузаларини тингладилар.

Шуни айтиш керакки, анчадан бундан бундай қизқарли баҳс-мунозараларга, савол-жавобларга бой илмий анжуман гувоҳи бўлмагандик. Семинарнинг юксак савияда ўтишининг биринчи сабаби ўз соҳасини яхши билган етук олимлар, мутахассисларнинг айна ҳаётдан олинган мисоллар асосидаги маърузалари мазмунини содда ва раво тилда иштирокчиларга етказиб бера олганликлари бўлса, иккинчи сабаби катнашчиларнинг ҳуқуқий билимларга ташналиги бўлди.

Илмий-амалий семинарга келганлар ўзлари фаолият қўрсатаётган ҳудудлардаги оилавий муаммолар, мулк муносабатлар, пенсия таъминоти масалалари, яратилган имтиёзлар, қизлик, аёллик шакли, уй-жойга эгалик муносабатлари, никоҳ шартномаси, никоҳ олдиндан тиббий қўриқдан ўтмишга оид жараёнлар, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноят, енгил табиатли хотин-қизларга нисбатан қўлланилаётган жазо чоралари хусусидаги саволларига аниқ жавоблар олдилар.

Мазкур анжуманда ҳуқуқий билимларни оширишлари учун Республика «Ижтимоий фикр», «Ҳимоя», Тошкент Давлат Юридик институтининг ҳуқуқий тарғибот, шунингдек шахар ва туманлар ҳокимликлари қошидаги жамоатчилик асосида фаолият қўрсатаётган ҳуқуқий матричат марказлари ҳамisha хизматга шайлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, демократик жамият барпо этиш жараёнида ҳуқуқий билимларсиз олга силжиб бўлмайди. Зеро, ҳуқуқий маданият раванқ топан юртгина халқро жамоатда юксак мавқега эга бўлади. Семинарда фуқаролар саводхонликларини ошириш учун қонунлар, Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ҳуқуқий мавзудаги оммабоп қўлланмалар асосий манба эканлиги алоҳида қайд қилинди.

1999 йил — Аёллар йили

га қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бунинг ёркин далилидир. Айна пайтда ана шу ҳужжатлар, хотин-қизлар манфаатини кўзда тутиган қонунлар ва қарорлар мазмунини ва моҳиятини чуқур идрок эта олмагач, бу борадаги билимимиз саёзлиги сезилиб қолмоқда. Уларни етарлича тушунамсликнинг салбий оқибатлари оилавий турмуш тарзимида, ислохотларга бўлган муносабатимида, фарзандлар тарбиясида кўзга ташланмоқда. 16 февраль воқеалари, вақтинчалик қийинчиликларга бардош беролмай содир этилаётган иродасизликлар, ажралишларнинг кўпайганиги, айрим аёлларнинг нопок йўлларга кириб кетиш ҳоллари, улар ўртасида жиноятчиликнинг ортishi фикримизнинг далилидир. Бундай ҳолатлар бизни ҳушёрликка даъват этиши керак. Ана шунинг учун ҳам ҳуқуқ мавзусидаги навбатдаги семинар ўзига хос аҳамиятга эга...


Шу кунги семинар иштирокчилари Тошкент Педагогика университетининг ҳуқуқ асослари кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор Оминахон Каримова, Республика «Ҳимоя» ҳуқуқ маркази раҳбари, юридик фанлари номзоди Мунира Самарҳужаева, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги

Ислохот оидмлари КЕНЖА ЦЕХ

ни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун астойдил ишладилар. Қисқа вақтда 104 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Янги цех асбоб-ускуналарининг бир қисми бевосита пойтахтнинг қорхоналарида тайёрланган. Бу қадоклаш лияниясидир. У салкам 23 миллион сўмга тушди. Полиэтилен ишларни қолипловчи агрегат эса Россиядан 84 минг долларга харид қилинди. Янги цех ҳозирча бир сменада ишламоқда. 20 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бир сменада 28 минг 650 килограмм эг қадокланмоқда.

Кенжа бўлим жамоаси янги технология линияларининг бир маромда ишлашини таъминлаб, лойиҳадаги қувватда маҳсулот беришга эришмоқда. Бунда, айниқса, муҳандис Худойберган Тўлаганов, ёғ қуювчи Жаҳонгир Мухамедов, қадокловчи Гулзода Бекерова ва уларнинг ишлари салмоқли бўлапти. Янги идишларга қадокланган маҳсулотнинг дастлабки намуналари Тошкент шахри, пойтахт вилояти, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги савдо шаҳобчаларига жўнатилди.

Хамид МАҲМУДОВ.



Суратларда: қадоклаш цехида; жамият бозор муҳандиси Мирҳабиб Толипов ва янги цех бошлиғи Худойберган Тўлаганов полиэтилен идишларга солинган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.



Суратларда: қадоклаш цехида; жамият бозор муҳандиси Мирҳабиб Толипов ва янги цех бошлиғи Худойберган Тўлаганов полиэтилен идишларга солинган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОСТИН ЗАНЖИР

ХАЛҚАРО йўлларнинг аҳамияти бекиёсдир. Улар мамлакатларни бир-бирига боғлайди, уларнинг иқтисодий ривожланишига, халқларнинг яқинлашуви, қардошларча алоқалари мустақамланишига, ҳамкорлиги кучайишига ва бошқа шу қаби олий максдаларга хизмат қилади. Шу йўллар учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришишидан кейин шундай йўллар барпо этиш юзасидан тузилган халқаро шартномаларда фаол катнашмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг жаҳонга юз тўйишини тездаштиришига, бошқа давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларининг кенгайишига олиб келади.

Осиё ва Оврўпони бир-бирига боғловчи Париж-Шанхай йўли шундай қурилишдир. Унда мамлакатлар ҳудудидан ўтучи бир иншоот қадимий машхур Ипак йўли ўрнини босади.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилаётган йўлда қатнов юксак даражада ташкил қилиниши учун зарур бўлган барча шароитлар муҳайё қилинади. Уни барпо этишда ўнлаб мамлакатлар фаол катнашмоқда. Бу янги йўлнинг бир қисми, айниш мумкинлиги, энг мураккаб бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳудудидан ўтади. Ҳа, Камчик дөвонида қурилиш ниҳоятда қийин шароитларда олиб борилмоқда. Денгиз сатҳидан бир километрдан ортиқ, Ангрэн шаҳридан 200 метр баландликда барпо этилаётган бу иншоот ҳақиқатдан ҳам ноёбдир. Тогни тешиб очилаётган туннеллар, бағрини ёриб бунёд этилаётган йўллар ҳар бир бинокордан матонат, тадбиркор, ўз касбининг моҳир устаси бўлишни талаб этмоқда. Йўлнинг мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳимлигини чуқур хис қилаётган барча бинокорлар жамоалари зиммаларидаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига астойдил интиломоқдалар.

Унинг қурилишига ҳисса қўшаётган ташкилотларнинг бири «Қамчикмаҳсулсавтойўл» трестидир. Унинг жамоаси тоғ йўлининг 110-километрдан 145 километргача бўлган қисмида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Қишининг қирчиллама соғуви, қор ва бўронлар, баҳорнинг бешафат бўронлари, ёзининг жазирама иссиғи ҳам йўл қурувчиларнинг меҳнатдаги шижоатига тўқсунлик қилолмайди.

— Шундай катта аҳамиятга эга бўлган қурилишда қатнашиш, уни бунёд этишга ҳисса қўлиш, бу билан фахрлини туйғуси ҳар бир бинокоримизни, мансаби, касбидан қатъий назар, бор таҳрибасини сафарбар этиб ишлашга ундамоқда, — дейди трест бosh бошқарувчиси П. М. Абдураҳмонов. — Ҳамма ўз ишини билиб қилади, лозим бўлиб қолса бир-бирдан ёрдамчи аямайди. Мураккаб шароитларда ишлаш жамоанинг жипслигини, бирлигини ҳам қучайтирар экан. Бу ерда у яққол кўзга ташланади.

— Пулат Мажидович, трест жамоаси ўтган йили қандай ишлади?

— Албатта, халқро аҳамиятга молик мазкур йўл қурилишида бажарилаётган ишлар ҳажми ҳам катта. Ҳар бир бинокорлик ташкилотни жамоаси учун белгиланган режалар жуда залворли. Уни удалаш учун барча имкониятлардан, ижтимоий машина-механизмлардан самарали фойдаланиш, энг муҳими иш вақтинчи бирор дақиқаси ҳам бекорга кетказилмаслиги керак. Қисқа қилиб айтганим бўлса интизом бўлиши шарт.

Жамоамиз шундай омилларни доим эътибордан четда қолдирмайди. Умуман бизда ҳар бир киши ўз вазифасини аниқ билади ва унинг бажарилиши учун масъулиятини чуқур хис қилади. Трестимиз режаларини муваффақиятли бажарилишини шу билан изохлаш мумкин. Ўтган йили ҳам чакки ишламадик. Жамоамиз ўзлаштирган сармоа ҳажми 1 миллиард 700 миллион сўмликни ташкил этди. Йўлнинг ўзимизга бирқитилган қисмида катта ми-

қосдаги махсус қурилиш ишларини бажардик. Бир ярим миллион куб метр ҳажмидаги тоғ жинслари портлатилди ва шунча микдорда турок ишлари амалга оширилди. Қарий 150 миллион сўмликка яқин йўл иншоотлари ишга солинди.

Трестимиз тасарруфидоги иқтисослашган қурилиш бошқармаси жамоасининг меҳнат муваффақиятларини алоҳида тилга олмақчиман. У турли ҳажмдаги темир-бетон қувурларини ётқизиш билан шуғулланади, тошқин сувларни ўтказиб юбориш учун йўл тағидан шундай қувурлар ўтказмоқда. Қувурларнинг кенглиги 750 миллиметрдан 1,5 метргача боради. 107 миллион сўмлик шундай ишлар адо этилди. Шунингдек, фойдаланишга топширилган масофаларга ёритқичлар ўрнатилди.

— Жамоа иқтисодига ҳориждан келтирилган қудратли техника воситалари бериб қўйилган. Улардан фойдаланишда мураккабликлар вужудга келмаптими?

— Халқро йўлнинг мураккаблигини бу ерда ишлаётганлар ҳар дақиқа хис қилиб турадилар. Қаттиқ тош, харсанг қатламларини ўйиш, тоғ бағридан йўл очиш жуда мушкул. Шунинг учун ҳам мураккаб замонавий қурилиш техникаси билан кенг фойдаланилпти. Биз ишлаётган машина-механизмлар асосан Япония, Олмония, Россия давлатларига

да ишлаб чиқарилган. Оғир ва юқори унумли экскаваторлар, булдзозерлар, тракторлар, портлатиш дастгоҳларини касбини фидойилари бўлган механизаторлар бoshқаришмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам бутун маҳоратларини сафарбар этиб ишлайдилар. Уларнинг сафидан бир-икки механизаторни ажратиб қўрсатиш иссофдан бўлмайди. Чўки мамалиги ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришяпти. Айниқса, техника қаровига катта эътибор беришяпти. Бўш қолишди-ми, дарров ўзларининг «пўлат от»ларига қарашади, ҳаракатланувчи қисмларини синчиклаб кўздан кечирадилар. Айрим синхронларни ўз қучлари билан, иложи бўлмаса чилангарларни жалб қилиб бар-тарafd этидилар.

Деярли қирқ километргача қўзилиб кетган қурилиш майдонида моддий-техника таъминотининг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам трестимиз жойларда техника базалари барпо этди. Улар иш майдонини яқинида ташкил қилинган. Ҳозирча учта шундай базамиз ишлаб турипти. Улар Четсув, Айрисой ва Кўксаройда жойлашган. Уларда техника воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган ахтиёт қисмлар тайёрлаб қўйилган. Айна вақтда бу базалар атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилди, қатор иншоотлар қурилди.

— Бу йилги режалар, унинг миқдослари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Жорий йилда иш ҳажми ўтган йилдан анча ортиқ қилиб белгиланган. Жамоамиз икки миллиард сўмликдан зиёд маблағни ўзлаштириш лозим. Бинокорларимиз бу юксак маррани ҳам муваффақиятли эгаллаш учун йил бошидан эър гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳамманинг, шу жумладан жамоамизнинг ҳам фикри-зиқри йўлнинг энг асосий иншооти — бoш туннелни республикамиз мустақилигининг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишга қаратилган. Бу йўл қурилишида эришилган катта меҳнат ғалабаларидан бири бўлади. Лекин қурилиш янада жадал суръатлар билан давом этади. Белгиланган дастурга мувофиқ у келгуси асрнинг бешинчи йилида ниҳоясига етказилиши лозим. Буюк ипак йўлининг замонавий қиёфадиги бу иккинчи босқич биздан ва биз қатор меҳнат қилаётган барча бошқа йўл қурувчиларидан жуда катта матонат, сабр ва бардош талаб этади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, Собир МУҲАМЕДОВ.



«Янгийўл ёғ-мой комбинати» хиссадорлик жамияти ўзининг асосий маҳсулотини мижозларга қадокланган ҳолда етказиб бериш имконига эга бўлди. Бунинг учун махсус цех кунчи кеча фойдаланишга топширилди. Ёғ бир ва беш литрли полиэтилен идишларга қўйилмоқда.

Замонавий технология асосида ишловчи янги цех бир ярим йилдан сал ортиқроқ вақт мобайнида қад кўтарди. Бoш пудратчи — Янгийўлдаги 163-механизациялашган кунча жамлама бинокорлари ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бу ишлаб чиқариш бўлими-



Хиссадорлик жамиятларида ТАЛАБОРИ КЎП ЭКАН

«САНОАТҚАЛИНҚОҒОЗСАВДО» хиссадорлик жамияти бозор иқтисодийётига ўттиш даврининг қийинчиликлари шароитида ҳам бир маромда ишламоқда. Чўки, қорхонада замон талабини ўрганиб, хариддоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг янги турларини тайёрлашни ўзлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда, замонавий технологиялар жорий қилинлпти.

Бозор талабини пухта ўрганиш йўли билан қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Уларга буюртмалар кўпайишмоқда. Тожикистондаги «Қобул Тожикистон» қўшма қорхонаси ҳам бу йилдан мижозлар сафига қўшилди.

Республикамиздаги қўшма қорхоналар ҳам унинг маҳсулотини сотиб олмақдалар. Жумладан, ўзбек-турк «Асташ», «Шамс» кичик ишлаб чиқариш-тижорат, Америка-Англия «Ўзбoт» тамаки қорхоналари, ҳугурт фабрикалари ва бошқалар ҳам буюртмалар бермоқдалар.

Хариддоргир янги маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўйиш учун қардон цехида каттагина ҳажмда қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Ҳориждан қатор асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди, эскилар янгиланди ва тақомиллаштирилди. Шундай чора-тадбирлар тўғрисида ҳар йили 5-6 минг тонна юпка ва қалин қозғ таёйёрлаш имкони яратилди.

Бу йил қорхонада яна бир янги маҳсулот турини — рангли плиталар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Машхура ЗОХИДОВА.

ЯГОНА ТАРТИБ АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори шу йил 1 февралдан бoshлаб кучга кирди. Дори-дармон давлат акционерлик вилоят бирлашмаси ҳам қисқа муддатда мазкур ҳужжат асосида ташкилий ишларни ўтказиб, аҳолига хизмат қўрсатишни бoshлаб юборди. Махсус муҳбиримизнинг бирлашма раҳбари Ш. ПУЛАТОВ билан қилган сўхбатда юқоридаги қарорни ҳаётга татбиқ этиш жараёни ва эришилган натижалар ҳақида гап борди.

— Шухрат Убайдуллаевич, аввало, мазкур ҳужжатнинг моҳияти ҳақида тўхталсангиз. Нима учун шундай қарорни қабул қилиш зарур бўлиб қолди?

— Шунини айтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаюқ Президентимиз, республика ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида изчил ғамхўрлик қўрсатиб келмоқда. Қатор соҳаларда ўтказилган ислохотларнинг туб мақсади инсон манфаатига қаратилганлигини ҳар биримиз ўз кўзимиз билан қўриб, қалбдан хис этишимиз. Қадарлар мажасини оширишга бўлган эътибор, қишлоқ врачлик пунктларининг жорий этилиши, тиббиёт ходимлари ойлук маошларининг оширилиши, ҳамшираларга пенсияларни тўлиқ тўлашга шайлиш бунга ёркин мисолдир. Мазкур қарорни соғлиқни сақлаш тизимида амалга

тарafd этиш ҳамда бу соҳада жиддий тартиб ўрнатиш мақсадида қабул қилинган юқорида тилга олинган қарорнинг аҳамияти катта бўлди ва у аҳолида чўқур мамнулик уйғотди.

— Қарор юзасидан бирлашма тизимидаги амалий ишлар нималарда ўз инфодасини топмоқда?

— Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бирлашма миз муассасалари ҳодимларининг кенгайтирилган семинар-кеңашларида қарор синчиклаб ишлаб чиқилди. Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят солик инспекцияси, вилоят молия бўлими ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Расмий ҳужжатлар шахар ва туманлардаги мутасадди ташкилотларга, ҳодимларга етказилди. Бирлашма омборхонаси ва дорихоналар раҳбарлари иштирокда ҳукумат қарори бўйича тегишли бўриқномалар тайёрлаб олинди.

Мазкур ҳужжатга биноан бюджет маблағи билан таъминланувчи муассаса ва давлолаш муассасаларига бир-ламчи нарҳига нисбатан 20 фоиз устам қўйилди. Чакана савдо қўлувчи дорихоналар эса 25 фоиз устам билан савдо қилади. Улгури ва чакана

савдо билан шуғулланувчи вилоят дори-дармон бирлашмасига қарашли дорихоналар 45 фоиз устам қўйиб савдо қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

— Бирлашмага қарашли омборхона, дорихоналар, шунингдек, Бекобод, Чирчик, Олмалик шаҳарларидаги касалхоналарро дорихоналар, давлат бюджетидан таъминланувчи давлолаш муассасаларда шу йил 1 февралдан бoshлаб қаторда кўзда тутилган 20 фоизли савдо устамаси билан дори-дармон хизмати қўрсатишга ўтилди.

— Қарорда аҳолига бепул тиббий ёрдам қўрсатаётган турғун давлолаш муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш ва назорат бoрасида ҳам гап боради...

— Турғун қарорнинг иккинчи бандида аҳолига бепул тиббий ёрдам қўрсатаётган турғун давлолаш муассасаларига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар буюджетдан қопланиши қайд қилинган. Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини бериш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш йўлга қўйилди. Бундан бунд касалхоналарда давлоланаётган шахслар махсус дафтарларга ўзларига амалда сарфланган дори-дармон учун имзо чекиллари жорий этилди. Республика Соғ-

лиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги назорат инспекцияси дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилиниши, сотилиши ҳамда давлолаш муассасаларини таъминлаш, шунингдек, дори-дармонларни сотишда чекланган савдо устамлари қўйилишининг тўғри ёки но-тўғрилигини текшириб боради.


— Қўпчиликни бирлашмага қарашли дорихоналарда айна пайтда қўрсатаётган хизмат ҳажми, қанча захирани борлиги ҳам қизиқтиради, албатта. Бу борада нима дейиш мумкин?

— Бирлашма омборхонаси ва дорихоналардаги мавжуд дори-дармонлардан шу йил февраль ойида 47839,3 минг сўмлик аҳоли ва давлолаш муассасаларига сотилди. Бундан 15285,3 минг сўм ялли даромад қилинди, бу даромадининг 10 фоизига яқини, яъни 1428,3 минг сўми соғ бoшда бўлди. Қўшма турли харажат ва соликларни қоплади.

— Ҳозирда бирлашма етарлича зарур дори-дармонлар захирасига эга. Тузилган шартномалар асосида келтириладиган дорилар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бoрсак, мавжуд дори-дармонлардан оқилона фойдаланишга, бирлашма ҳамда давлолаш муассасалари фаолиятларида узиштилар бўлмайди. Бутун ҳаракатимиз ана шунга қаратилган.

Сўхбатдош: Сандвали ҲАСАНОВ.

КАРОР ВА ИЖРО



РАҲМАТ, НОИБАХОН!

ВИЛОЯТ марказий шифохонасининг иссиқлик ва электр билан доволаш бўлими мудири Ноиб Ақбаровадан беҳад миннатдорман. Мен анчадан бери бел ва оёқ оғриғидан холи бўлмай, азобда эдим. Ноибнинг жонкуярлиги, барча беморларга ширин сўзлиги ҳамда ўз соҳасини яхши билиши тўғриси оёққа туриб кетдим.

Шифохонада Гулбахира Бакирова, Камола Тўлаганова, Нигора Эргашева сингари ҳамширлар ҳам сидқидилдан хизмат қилашмоқда. Меҳрибон нажоткорлардан бир мен эмас. Бўстонлик туманида истикомат қилувчи Аҳмад Мирзаахмедов, чинозлик Ёқуб Ёшимуродов, Тошкент туманидан Захро Пулатовалар ҳам хурсанд. Қўли енгил, бағри очик бу шифокорларга чин қалбдан раҳмат деймиш.

Хушвақт ОМОНОВ, пенсионер, Тошкент шаҳри.

КАДРДОН МАКТАБИМДА БЎЛДИМ...

ОРАДАН анча вақт ўтган, 40 йил хизматини сингган Тошкент туманидаги 10-ўрта мактабда бўлдим. Унинг директори Матлуба Халилова билан узок суҳбатлашиб ўтирдик. Бир меҳнат фахрийси сифатида мени бу ердаги ўзгаришлар қувонтирди. 925 нафар



Мактублар, мактублар, мактублар...

БУНИ ОҚИБАТ ДЕЙДИЛАР

УМР ЙЎЛДОШИ, ўгли Қримга кетган Жафер оға Курбеддинов бирдан қон босими кўтарилиб оғир аҳволда уйда ётиб қолди. Бундан хабар топган кўни-кўшилар уни ёлғиз қўйишмади. «Тез ёрдам» чақирдиши. Дори-дармон топишда қўмақлашди. Шифокор Шоқир Биджигитов, ҳамшира Абве Карачаевалар унинг ёнидан жилишмади.


Бемор кўзини очганда тепасида ўзи истикомат қилаётган «Дўстобод» маҳалласидаги кўшиқлари парвона бўлиб туришганини кўриб, кўзига ёш қалқиди.

— Раҳмат, — деди у астагина, меҳрибонлик билан ўзига тасалли бераётган кишиларга қараб.

Ҳа, халқимизда инсон азиз, деб бежиз айтишмайди. Меҳр-оқибат, саноимий кўшиқчилик, ўзбек маҳаллаларининг ҳар бирига боси фазилат. Элик тўрт йилдан бери сартарош сифатида Куйичирчиқ тумани маъиший хизмат комбинатида эл юмушида бўлиб келаётган Жафер оға бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Саиджон МУСТАФОВ, «Эркин сўз» газетаси ходими.

Павел СИЛИН, пенсионер.



Вилоятимизнинг Оҳангарон туманида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва турли жиҳозлар билан таъминланган кишлоқ врачлик пункти қад қўйилди. Унинг қошида кундузги шифохона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу даволаш муассасасида икки нафар малакали шифокор ва ўз касб-санаи пухта билган ҳамширлар аҳоли хизматида.

СУРАТЛАРДА: Кишлоқ врачлик пункти биносининг ташқи қўриниши; лаборант Гулчеҳра Алибоева иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фойдаси бордир-у, зарари-чи?

Бозор ҳақида, айниқса, мол бозорлари ҳақида фикр юритмоқчиман. Вилоятимизнинг кўпчилик туманларида ҳафтанинг маълум кунларида махсус мол бозорлари очилган. Бўка, Пскент, Бекобод, Куйичирчиқ, Оққўрган туманларидаги кўчма мол бозорлари ана шулар жумласига кирди.

Ўзидан, тўш, улар кимнинг ҳисобига тирикчилик қилишади, деган савол тўғрисида табиий. Оққўрганида килиб айтганда, битта мол бозорининг ўзида кўй, эчки, сигир-бўзоқ — икки-уч марта, албатта, устама нарх ҳисобига қўлдан қўлга ўтаверади. Айтилик, оддий деҳқон ёки ишчи ўз молини бозорга олиб чиқиб сотса-ю, уша нархга шунга ўхшаган молни ҳеч қачон сотиб ололмайдди. Чунки, у оладиган мол кунда-шунда олибсатарнинг қўлига ўтиб кетади. Бундай моллар бозорима-

лиги, кундан кунга қимматлашди бораётганининг асосий сабаби ҳам шу мол бозорлари тўғрисида эмасми? Хуллас, мол бозорларининг турли ҳудудларда кўпайиши ана шундай. Ноқулай ҳолатларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Бундай бозорларнинг фойдасидан зарари қўпайиб кетмаётганимикин? Сиз бунга нима дейсиз?!

Халил ҚАРШИБОВ, Оққўрган туманидаги «Султонобод» жамоа ҳўжалиги.

Мулоҳаза

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқеалар

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

● БМТ БОШ КОТИБИ Кофи Аннан шафелигида Шарқий Тиморга мустақиллик бериш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Унга Индонезия ва Португалия Ташқи ишлар вазирлари Али Алатас ва Жайм Гамайлар имзо қечдилар.

МУСАВВИРА АЁЛЛАРИМИЗ — ПАРИЖДА

ҲА, ЖАҲОН Ўзбекистонни, Ўзбекистон жаҳонни кашф этиш жараёни давом этмоқда. Эндиликда мусаввир аёлларимиз ўзга мамлакатлардаги ҳамкасблари билан беллашаётган чоғландилар. Республикаимизнинг Франциядаги элчихонасида ўзбек расомлари — ҳайкалтарош Гулсара Ражапова, рангтасвирчи Галия Абдурахмонова, графикачи Гулзор Султонова асарлари кўргазмаси бўлди. Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бу тадбир Ўзбекистон Бадий академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилди. Кўргазма очилишида кўп-кўп расомлар, санъат, маданият арбоблари иштирок этдилар. Р. Ражапованинг мисдан ишланган асарлари — Алишер Навоий сийнаси, «Тонгда», «Йиллаб турган бола», «Севги», «Аёл» каби ҳайкалчалари Фарангистон томошабин-

Ўзбекистон ва жаҳон

ИМКОНИЯТ: КИМ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНМОҚДА?

Бўка туманидаги «Бўка», «Кўкорол», «Гулистон» жамоа ҳўжалиқларининг ўтган йилги ишларига бир назар

БИЗ кишлоқ ҳўжалигига оид катта-кичик йиғинларда, ўзаро суҳбатларда имконият ва ундан унумли фойдаланиш ҳақида кўп гапиримиз. Афсуски, амалда сўзимизга риоя қилавермаймиз. Хал қилувчи тигиз пайларда, ҳисобот берилганда вазиятдан бир амаллаб чиқиб кетиш учун ҳаракат қиламиз, ўзимизни оқ-лаш уринамиз.

Яна аввалги гапларни қайтарамиз. Оқибатда ваъдабозга айланиб қоламиз. Бизнингча, пахтачиликда вилоятда етатки уринда турадиган, мард ва фидойи деҳқонлар меҳнат қилиб келаётган Бўка тумани уч-тўрт йилдан буён шундай аҳволга тушиб қолган кўринади.

— Нима қилайлик, ҳамма аравани баравар тортмапти-да, — деб ўзларни овутомочи бўлишди мутасадди-лар. Ниҳоят, ҳукуматимизнинг ўзи ана шу аравани баравар тортмаётганлардан учта-тини — «Бўка», «Кўкорол», «Гулистон» жамоа ҳўжалиқларини оталигига олди, сана-ция рўйхатида киритди.

Хўш, уларда ўтган йилги натижалар қандай бўлди? Гапни «Бўка» жамоа ҳўжалигидан бошлаймиз. Бу ҳўжаликга узок йиллар туман шартнома асосида пахта лавозимларида ишлаб келган, ташкилотчи, тажрибали кадр Абдусамуд Носиров ташқи бошқарувчи бўлиб тайинланди. У бевосита ишлаб чиқариш билан ақиндан машғул бўла бошлагач эса ўзи ҳали билмаган бир қатор сир-синоатлар ҳам борлигига ишонч ҳосил қилди ва сана-цияга тушган ҳўжалиқларга берилган имкониятлардан мумкин қадар унумли фойдаланиб, ана шу сир-синоатларнинг маълум бир қиррасини очди, уни ишлаб чиқаришга йўналтиришга ҳаракат қилди. Энг биринчи навбатда раҳбарлик ихчамлашди. Бошқарувдаги 28 одамдан 20 нафари қолдирилди. Улар аниқ мақсад билан фаолият кўрсата бошладилар. Иккинчидан, фақат сидқидилдан ишлайдиган одамларгина деҳқончилик қила бошладилар. Рўйхатда 900 дан ортик ишловчи бор эди. Улар тенг ярмига қисқартирилди. Учунчидан, одамлар онгига «Ер, техника ўзимизники, айтганларимизни иложи борича қилиб беришяпти, меҳнатимизга яраша оладиган даромад-димиз тайин, шундай бўл-гач, ҳар хил баҳоналарни рў-қач қилишни бас қилайлик», деган тушунча сингдирилди.

Леким булар ўз-ўзидан бўлмади. Кўп машаққат чекиш-га, талашини-тортишишга, баъзиларни қойишга, ҳатто ишдан четлатишга тўғри келди. Бу меҳнат унумдор-лигига сезиларли таъсир қилди. Ҳўжалик биринчи йил-лик аҳши натижага эришди. Режадагидан ошириб пахта сотилди. Мўлжалдаги 1800 тонна ўрнига 1810 тонна галла олинди ва ҳоказо.

Энди «Кўкорол» жамоа ҳўжалиги фаолияти ҳақида батафсилроқ фикр юритмоқчимиз. Бу ҳўжалиқнинг ер майдони 1200 гектар. Асосан галла, пахта экади. Леким ёлчиб ҳосил ҳам, даромад ҳам оломай келарди. Биргина 1997 йилда 17

миليون сўм зарар кўрган. Ҳар гектаридан бор-йўғи 16 центнердан пахта, 10 центнердан галла олган. Баҳона ўша-ўша: «Ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмон, қанча меҳнат қилганим билан ҳосил яхши бўлмади».

Янги раис Комилжон Дўсма-товга бу кесатик гаплар ниҳоятда таъсир қилди. Бунинг устига ерли деҳқонлар кўз ўн-гида «мавсумчилар» билан бў-ладиган муносабат, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, албатта, кўпчилигининг фашига тегади, ҳафсаласини янг қиларди. Шунинг учун ҳам янги бошқарув биринчи навбатда ана шу «мавсум-чилар» фаолияти-га чек қўйди. Улар 500га яқин экан. Маслаҳат билан уларга бериладиган ерлар жа-моа ҳўжалигидан ишлайдиган уста деҳқонларнинг ўзларига шартнома асосида пахтага ижара усулида тақсимланди. Шундай қилиб, ерга эгаллик ҳу-қуқи тикланди.

Яна бир муҳим тадбир. Бошқарув тизимидаги ҳар бир раҳбар ўз соҳасига қатъий жа-воб берадиган қилиб қўйилди. Унга иш якунидан ва кўрсата-диган хизматидан одамлар ко-никяптими, розими, йўқми, шунга қараб маош кўпи ёки оз тўланадиган бўлди. Бу ҳам ку-тилгандан яхши самара бер-ди. Ортиқча мажлисбозлик, энг муҳими, гуруҳбозлик, бақир-чақирга ўрин қолмади. Меҳнат-га муносабат тубдан ўзгарди. Интизом ўз-ўзидан изга туш-ди. Бунинг самараси ҳам кўз-га ташланди. Пахта режаси барвақт удалланди. Галладан ўтган йиллардаги 6—7 центнер ўрнига 17 центнердан хирмон кўтарилди. Пахта ҳосилдорли-ги ҳам беш-олти центнерга ошди.

Леким барибир эришил-ган натижалардан кўнглимиз тўлмади, — дейди Комилжон Дўсма-тов. — Чунки, ўзингизга маълум, ҳозир бозор иқтисо-ди шароитида асосий ўлчов — даромад. Биз эса пахтадан бор-йўғи 400 минг сўм даро-мад қилдик, ҳолос. 80 фоиз ҳам ашёни биринчи навга топ-ширдик. Бу — кам! Режа тўла қолсин, деб паст нав пахта-ни ҳам териб топширдик. Аслини олганда бу билан ўтмадик, ю-каздик. Нега дейсизми? Шу охириги пахталарининг ҳар бир тоннаси танархи бизга 7-8 минг сўмга тушди. Давлатга эса 5 минг сўмдан сотдик. Ана энди ҳисоблаймиз. 100 тонна туртинчи-бешинчи навга топ-ширилган пахтадан 200-300 минг сўм зоти кўрдик.

— У ҳолда термасларингиз ҳам бўларди. — Тўғри, — деди раис, — санаот ҳам бу ошадан ор-тиқча наф кўрмайди. Леким э-ски касалик-да. Бу бизнинг айбимиз. Биз энди одамларни озорок майдонда бўлса ҳам фа-қат эртани, сифатли пахта етиштириб, бу ҳам ашёнинг юз фоизини бўлмаса ҳам 90—95 фоизини юқори навларга топ-

ширишга ўргатмасак, асосий мақсадга эришолмаймиш, соф даромадни қўпайтиролмаймиш. Иннайкикин, менимча, ҳозир-ги пайтда деҳқон фақат пахта-дан олиннадиган даромадгагина кўз тикиб қолмаслиги ке-рак. Қайси экин, қайси саба-вот турини экиш мақбуллиги-ни у келтирадиган даромади кўзда тутиб, тарози палласи-ни бозорга қараб тўғрилаб бо-риш талаб этилади.

Хуллас бир йил ичида кўп ишлар қилинди. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш соҳасида ҳам дадил қадамлар қўйилмоқда. Демак, 1999 йил-даги яқунлар аввалги йилда-гига қараганда янада салмоқ-ли, даромадли бўлади. Пахта ҳосилдорлигини қамийда 20 центнерга, галлани 30 центнер-га олиб чиқамиз. Сабазвот майдони 60 гектарга етади. 100 гектар ерда маккажўрғи, 50 гектар ерда шолӣ ўстири-лади. Буларнинг ҳаммаси яқин йилларда соф фойдани 3,5—4 миллион сўмга етказиш имко-ниятини беради.

Учинчи ҳўжалик «Гулис-тон»да аҳвол қандай? Тўғриси, бу ҳўжаликда ҳам раҳбарни уч-ратиб, фикрини ололмадик. Бирок, туман ҳокимининг ўрин-босари, статистика ва истиқ-болни белгилаш бўлими бош-лиги Муҳиддин Хайдаров биз-га биланларини гапириб бер-ди. Ҳўжалик умуман олданда богдорчилик, сабазвотчиликка иктисослашган. Озорок майдон-да пахта ҳам етиштиради. Ле-кин режа бақарилмай, 70 фонзда қолди. Аслида гап бун-да эмас. Ахир санация раҳбар-ларни ҳам, одамларни ҳам ет-ти ўлчаб бир кесилга ундаши керак.

Шундай бўлгипти, дейишди бизга. Ҳисоб-китоб, тартиб-ин-тизом аввалги йиллардагига қараганда бир қадар тартибга тушган. Шунинг учун бўлса ке-рак, гарчи режа удалланмаган бўлса ҳам 400 минг сўм соф фойда кўрилди. Бўлса бордин. Бу фойда қандай йўллар бил-лан олинди, жамоага қандай нафти тегади. Бунинг ипидан и-кисса алоҳида ўрганиб, таҳлил қ-илиш алоҳида мазо, албатта.

Леким биз ҳозирча ўзимиз-нинг шахсий мулоҳазаларимиз-ни ўртага ташламоқчимиз. Яқинда бўлиб ўтган Олий Маҳ-лис сессиясида Президентимиз XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз, уни-нг ривожланиш стратегияси, ис-лохотларни чуқурлаштириш ва жа-миятни янгилаш борасидаги фа-олиятимизнинг мазмун-мо-ҳияти нималардан иборат бўли-ши кераклиги ҳақида фикр юри-тиб, бир қатор устувор вазифа-ларни қўйди. Ана шулардан би-ри кадрлар масаласидир. «Биз олдинкига қандай вазифани қўймайлик, — қандай муаммони ен-иш зарурати туғилмасин, гап охи-р-оқибатда раҳбар кадрлар ва ана ҳадрларга бориб тақ-лаверамиз».

Бу гапнинг нақадар ҳақо-ниийлиги ҳақида сон-санокчи мирослар келтириш мумкин. «Бўка», «Кўкорол» жамоа ҳў-жалиқлари ўз ишлариде озми-кўпми ютуққа эришган эканлар, бунда ҳўжалиқларнинг ташқи бошқарувчиларининг хизмати бор, албатта. Келгусида улар

ўз фаолиятларига, қилаётган ишларига танқидий нуқтаи назардан муносабатда бў-либ, ютуқларни мустаҳкам-лаб, ҳўжалиқларини сана-ция-дан узил-кесил олиб чиқиб, илгорлар қаторидан ўрин олишларига ишонгимиз ке-лади.

Афсуски, «Гулистон» жа-моа ҳўжалиги ҳақида бундай фикрнинг дадил айта ол-маймиш. Далиллар шунини кўр-сатадики, бу ҳўжалик ташкил топганида 25 йил бўлибди. Бунинг қарангки, ана шу давр мобайнида раҳбар ўн икки марта ўзгарди. Шуниси ҳайрон қоларлики, уларнинг аксарияти ҳўжаликда узоқ фаолият кўрсатмаган, бо-рий-йўғи бир-бир ярим йил, айримлари ҳатто беш-олти ой ишлаб кетган.

Энди ўз-ўзидан савол ту-ғилади: «Ҳадеб раҳбарни ўз-гартираверган билан ҳўжа-ликда иш юришиб қолади-ми?» Ахир ҳар бир янги раҳ-бар иш бошлаб, атрофдаги ўзига яқин одамларни йи-ғишга ҳаракат қилади. Улар-ни ўз йўригига солади, бош-қаси келса, яна шу йўлни ту-тади. Бу табиийки, умумий-га салбий таъсир қўрсатади. Бу — исбот талаб қилмайди-ган ҳақиқат! Ҳўш, Аҳмад То-жиқулов-чи? Бизга айтишлар-и қараганда, у бундан беш-олти йил илгари ҳам ҳў-жаликка раҳбар бўлиб кел-ган ва бир йилга етар-етмай, ишлаган экан. Мана энди яна қайтадан ташқи бошқару-вичи бўлиб келибди. Ишга мўҳим ва масъулиятли роҳ таби-яланибди. Ҳўшларини, мушоа-хада қилсан киши. Аҳмад ҳам имкониятдан қандай фойда-ланипти? Бу вазифани му-ваффақиятли удаллаб кета-олавермикин? Эҳтимол, бизни-нг шубҳамиз ўринсиздир. Эҳтимол, Тожиқулов «танаф-фус» қилган даврида йўл қўйилган хато ва камчилик-лардан сабоқ чиқаргандир. У ўстида ишлагандир. Ду-нейвий қарашларни бойит-гандир. Кишлоқ ҳўжалигидеги иқтисодий ислохотлар тў-ғрисидаги билимларини чу-қурлаштиргандир. Янги ре-жалар ва улўр ниятлар бил-ан ишга киришгандир.

Табиийки, «Гулистон»ни оёққа турғизининг бирдан-бир йўли одамларнинг ерга ҳа-қиқий эгаллик қилишларига эришишидир. Шунда елиб-югу-радилар, ўз муаммоларини ў-злари хал қилиш учун меҳнат қиладилар. Бир вақтлари ми-ليون-миليون сўмлаб маблаг сарфланган зовурлар қазил-ган эди, уларнинг кўзи бе-қилиб қолган. Еростни дре-нажлари ҳам озунча эмас, тозалаш зарур. Шу йўл би-лан ерни, далами асли ҳуқу-қига қайтариш ва экин экиб, юқори ҳосил олиш мумкин. Тўғри, бу ишларни ҳўжалик йўли билан бақариш жуда мушкул. Бирок, бошқарув жон кўйдирини, давлатнинг, туман ҳокимлигининг амал-ий ёрдамига таяниб, ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатиб, фидойилик билан меҳнат қ-илиш, муаммоларни хал қ-илиш осон бўлади. Бунинг учун раҳбар ўзиде етарли куч, ғайрат, шижоат топа оладими, йўқми, буни кел-аж кўрсатади.

Носир РИХСИЕВ.

«ТУЛПОРДАН ТУЛПОР ҚОЛСА, ҚУЛОГНИНГ КЕС»

УТГАН ЙИЛНИНГ май ойи жа-ҳон жамоатчилигининг ёдидан чиққани йўқ. Ҳа пайтда Ҳин-дистон билан Покистон ракета синовлари пойгасига қалинди-лар. Ушандан сўнг бу икки дав-лат бирин-кетин синовларни да-вом эттирди. Бу кўнгилсиз во-қеалар халқаро жамоатчилик ў-ртасида жиддий тавиш уйғот-ди. Эндиликда Ҳиндистон «Аг-ний-2» ракетаси синовини амалга оширди. Покистон эса бунга «Ҳори-2» ракетаси билан жавоб берди. Бу русумдаги ра-кеталарнинг учиб масофаси деярли бир хил бўлиб, ҳар ик-ки мамлакатнинг исталган нуқ-тасини нишонга олиш имкония-тига эгадирлар. Бу ҳам ҳолва экан. «Тулпордан тулпор қол-са, қулогини кес» қабилида ш-тут-ган икки давлат ҳарбийларини навбатдаги синовларда омма-вий қирғин қуролини нишонга элтиш «қасалиги» йўлиқдилар. «Ағний-2» ва «Ҳори-2» раке-таларининг муваффақиятли уч-ирилиши бу масаланигн жобий ҳал этилганлигини билдирмоқ-да. Энг қалитс томони — бун-дай «мусобақа» халқаро майдонда кескичликни қучайти-риши турган гап. Бу, боз усти-га, Осиё минтақасида қуролла-ниш пойгасининг авж олиб ке-тиши ҳафсини пайдо қилади. Шу бонс жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар бу жа-раёнинг олдини олишга ҳара-кат қилмоқдалар.

47 МАМЛАКАТ ИШТИРОКИДА

ТАИЛАНД пойтахти-Бангкокда Осиё ва Тинч уммони минтақаси бўйича БМТ иқтисодий ва ижтимоий комис-сиясининг навбатдаги йиғилиши бошланди. Бир неча кун давом этадиган ушбу тадбирда мазкур минтақада жойлаш-ган 47 мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Йиғилишда янги технолоияларни хайта татбиқ этиш, савдо-сотик ва сармоа, экология ҳақида турли мамлакатлардаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш масалалари муҳо-ка этила бошланди.

ДАРЁ ҲАММАГА КЕРАК

ШВЕЙЦАРИЯ, Франция, Олмония, Люксембург ва Нидерландиядан келган вакиллар Женева шаҳрида мазкур мамлакатлар ҳудудидан ўтувчи Рейн дарёсини асраб-авайлаш тўғрисидаги янги битимни имзоладилар. 1963 ва 1976 йилларда мазкур давлатлар Рейн дарёси сувининг сифатини яхшилаш тўғрисида икки марта битим имзолаган оқилар. Эндиликдаги битимда эса дарё суви сифатини яхшилашда ташқари Рейн ҳавасан наботот ду-нёсини химоя қилиш ҳамда унинг эски ҳолатини тиклаш ва сура тошқинларнинг олдини олиш юзасидан қўрилади-ган чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топди.

ДУНЁНИНГ турли ГУШАЛАРИДА

Бу саволга жавоб бериш анча муш-кул. Леким, АҚШ президенти Билл Клинтон ва Уинг рафиски Хиллари хонимнинг ўтган йилги даромади 509 минг 345 долларни ташкил этган-лиги маълум бўлди. Мазкур даромаднинг 90 минг дол-лари давлат хазинасига со-лик сифатида тўланган. ■ ЛИТВАНИНГ Тельшя шаҳри фуқароси Антанас Контримас галати рекорд қўйди. У 32 сантиметр ке-ледиган соқолига 40 кило-грамм 950 грамм пиво қўйил-ган бочкани боғлаб, даст қ-тарди. Жаҳонда хали бун-қаси бўлмаган экан. «Соқол полвон» Гиннес китобига киришдан умиддор бўлиб турибди. ■ ОДАМЛАРНИ ҳамма нарса қизқитириди. Прези-дентлар даромади қанча?

ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС

СЎНГИ йилларда кў-пайиб бораётган ёшларни-нг ҳаёт тарзи ва тақдирини ҳар бир давлатнинг ички сиёсатига айланиб бормоқ-да. Мозамбикдаги Ма-путу халқаро анжумани кат-нашчилари Африка мамла-катларида юз бераётган қуроли можароларда ба-лоғатга етмаган ёшларни қўриқтириш зарурлигини та-киллаш зарурлигини тала-б қилиб чиқди. Бу та-дбирда ушбу китта мамла-катларидан 250 нафар, шун-ингдек, БМТ ташкилотла-ридан ҳам вакиллар ишти-рок этмоқдалар. Мозамбик ижтимоий таъминот вазири Акуссен Дуарт анжуманда сўзга чи-қиб, бундай ўспирларни қўз ота-опалари бағрига қайтариш лозимлигини ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқ-лари химоя қилиниши зар-урлигини таъкиллади. Шунингдек, у Африка мам-лакатларини болалар ҳуқу-қини химоя қилиш билан боғлиқ барча халқаро ко-нунларни тўлғатишга ҳаёт-га татбиқ этишга даъват этди. БМТ болалар жағфарма-си маълумотларига қара-ганда, айни пайтда Афри-кадаги турли қуроли тўқ-нашуларда 120 миллинга яқин воёга етмаган ёшлар иштирок этмоқдалар.

